



2018 yil "13. ЯНВАР" № 15

Farg'onah shahri

**Вилоятда 2018 йилда бошоқли дон экинларидан  
бўшайдиган майдонларга тақорий экинларни  
жойлаштириш тұғрисида**

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ ойлари учун маҳсулотлар захирасини яратиш учун 2018 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга тақорий экин сифатида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда жорий йилнинг 3 январ куни Вазирлар Маҳкамасида сим орқали ўтказилган селектор йиғилиши топшириклари ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2018 йил 3 январ куни сим орқали ўтказилган йиғилишда берилган топшириклар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини эккан фермер хўжаликлари томонидан бошоқли дон экинлари йиғиштириб олингандан сўнг тақорий экин сифатида қайси экин турларини экилиши бўйича шаҳар, туман ҳокимларига ёзиб берган илтимосномалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят шаҳар ва туманларида 2018 йил ғалладан бўшайдиган майдонларга тақорий қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича фермер хўжаликларидан олинган муражатномалар асосида экин турларини экиш ҳажмлари **1-иловага**;

тақорий экинларни экиш, етиштириш, олинган маҳсулотларни қишлоқ мавсумига захирага ғамлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларга сотиш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**Вилоят ишчи гуруҳи (Қўчқоров):**

тақорий экинларнинг экилишини тизимли ташкил этиш, агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажарилиши, талаб этиладиган ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва ресурсларни ўз вақтида етказиб берилиши, етиштирилган маҳсулотни захирага жамғариш, ички ва ташқи бозорларга сотиш ҳамда қилинган харажатларни қоплаш ишларини мувофиқлаштириб бориш ва назорат қилишни;

маҳсулот етиштирувчилар билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида шартномалар тузилишини ва шартнома шартларининг бажарилиши;

такрорий экиндан олинадиган маҳсулотларни қиши-баҳор ойлариға ғамлаш учун сотиб олувчи буюртмачиларни аниқлаш ва улар томонидан фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома тузилишини, олдиндан аванс тўловлари ва яқуний тўловларни амалга оширишни;

такрорий экинлардан олинадиган маҳсулотларни қиши-баҳор ойларида сақлаш учун совуткичли омборхона обьектларини аниқлаб, ушбу обьектларга маҳсулотлар жамғарилишини;

етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш, белгиланган йўналишлар бўйича тузилган шартномалар асосида етказиб бериш ва сотиш ишлари ташкил этилиши устидан назорат ўрнатилишини;

қиши-баҳор ойлари учун жамғариладиган маҳсулотларни 2018 йилнинг май ойигача ички бозорларга режа асосида чиқариб, интервенция қилиш бўйича режа-жадвалларни тасдиқлаб, амалга оширилишини;

ҳар ойда икки марта такрорий экинларни экиш, етиштириш, олинган маҳсулотларни қиши-баҳор мавсумига захирага ғамлаш, ички ва ташқи бозорларга сотиш ишларини танқидий муҳокама қилиб боришни таъминласин.

4. Такрорий экинларнинг экилишини тизимли ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳи таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гурӯҳи (Носиров):

бошоқли дон экилган ва ўрилган майдонларни пешма-пеш сомондан тозалаш, шудгорлаш ва такрорий экинларни оптималь муддатларда экиш ишлари ташкил этилиши;

экилган экинларни суғориш, парваришлаш, озиқлантириш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш билан боғлиқ агротехника тадбирларини ўтказилишини доимий равишда назорат қилиш ва мониторингини юритиш;

ажратилган сув лимити, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан қатъий равишда белгиланган мақсадларда фойдаланилиши;

ўсимликлар зараркундаларига қарши курашиш ишларининг тизимли ташкил этилиши, биомаҳсулотлар ва зарур техника билан белгиланган муддатларда таъминланиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Такрорий экинларни тўлиқ ҳажмларда экилиши, кўзланган ҳосилни олиниши ҳамда белгиланган мақсадларда ишлатилишига вилоят ишчи гурӯҳлар раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Фермер хўжаликларининг такрорий экиндан олинадиган даромади ва манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида:

фермер хўжаликларининг контрактация шартномасида белгиланган ҳажмлардан ортиқча миқдорда етиштирган маҳсулотлари уларнинг ўз ихтиёрида қолиши;

бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга тақорий экинларни турлари бўйича экиш, етиштириш ҳамда олинадиган ҳосил учун шартномаларни тузиш ва харид нархларини белгилашда фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини ва манфаатдорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

7. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ибрагимов) тақорий экинларни ўз вақтида тўлиқ экиш, агротехника тадбирларини белгиланган муддатларда сифатли ўтказиш бўйича шахсан масъул эканликлари белгилансин.

8. Марказий банк бошқармаси (Қундузов) ва тегишли тижорат банкларига:

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган кредит маблағларини маҳсулот етиштирувчи ва харид қилувчи ташкилотларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаларда ажратиш;

чет элдан олиб келинадиган уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳамда экиш, йиғишириб олиш ва парваришлаш учун талаб қилинадиган маҳсус техника воситаларини харид қилиш учун маблағларни ўз вақтида конвертация қилиш тавсия этилсин.

9. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари 2017 йил 1 сентябргача озиқ-овқат маҳсулотларини саклашга мўлжалланган омборхона ва музлаткичларни фойдаланишга тайёр ҳолатга келтириш ва белгиланган ҳажмда маҳсулотларни жамғариш чораларини кўрсинглар.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ш.Фаниев.

Вилоят ҳоқимининг

2018 йил "/3" январдаги

-сонли қарорига

Зиңлөят шаҳар ва туманларида 2018 йил ғапладан бўшайдиган майдонларга тақрорий қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича фермер хўжаликлиридан олинган мурожатномалар асосида экин турларини экиш ҲАЖМЛАРИ

№	Шахар ва туманлар номи	2018 йилда ғалла майдони, гектар	Такрорий экин майдони, гектар	шундан					озука экинлари	шоли	озука супурги
				сабзавот	картошка	полиз	соя	дуккакли экинлар			
1	Кувасой Ш.	3000	2700	1775	400		90	170		265	
2	Фарғона Ш.	750	690	340	100			200		50	
3	Бешарик	8840	8000	3540	400	500	80	1665	100	715	1000
4	Боғодод	7900	7400	1040	300	500	80	1350	1450	730	1950
5	Бувайда	7285	6980	1645	450	550	70	1280	1810	665	510
6	Дангарा	8550	7700	3500	280	450	50	2280	120	710	310
7	Ёзёвон	6660	6070	2050	320	600	60	920	1400	720	
8	Қува	7530	6900	3299	450	250	60	1726		825	290
9	Олтиарик	8080	7530	3600	350	450	60	1630	110	830	500
10	Қўштепа	8800	8100	3270	400	750	60	2410	250	810	150
11	Риштон	7765	7020	1726	350	380	60	1394	1340	670	1100
12	Сўҳ	750	290					290			
13	Тошлок	5280	4900	2800	250	200	50	1080	40	480	
14	Ўзбекистон	5885	5500	1640	250	200	70	2265	230	615	230
15	Учқўприк	7070	6600	1465	400	370	90	1795	1450	740	290
16	Фарғона	8405	7150	3960	450	100	60	1815		765	
17	Фурқат	6650	6470	850	250	200	60	3730	100	610	670
	<b>Вилоят жами</b>	<b>109200</b>	<b>100000</b>	<b>36500</b>	<b>5400</b>	<b>5500</b>	<b>1000</b>	<b>26000</b>	<b>8400</b>	<b>10200</b>	<b>7000</b>

**Вилоят ҳокимининг  
2018 йил “13” январдаги  
15-сонли қарорига  
2-илова**

**Такрорий экинларни экиш, етиштириш, олинган маҳсулотларни  
қишиш-баҳор мавсумига заҳирага ғамлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларга  
сотиш ишларини ташкил этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	С.Қўчқоров	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2.	Т.Қундузов	Марказий банк бошқармаси бошлиғи
3.	С.Жўраев	Молия бошқармаси бошлиғи в.б.
4.	М.Қўчқоров	Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари
5.	М.Турдиматов	Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
6.	О.Умаров	Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
7.	Ю.Ибрагимов	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
8.	А.Шамшидинов	Статистика бошқармаси бошлиғи

**Изоҳ.** Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда ушбу лавозимга янги  
тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига  
юкланган шахслар таркибга киритилади.

**Вилоят ҳокимининг  
2018 йил “13” январдаги  
15-сонли қарорига  
3-илова**

**Такрорий экинларнинг экилишини тизимли ташкил  
етиш бўйича ишчи гурӯҳи  
ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	У.Носиров	Вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гурӯҳ раҳбари
2.	О.Хожиматов	Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари
3.	Ю.Ибрагимов	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
4.	Р.Муллаев	“Фарғонадонмаҳсулотлари” АЖ раиси
5.	Б.Собиров	“Қўқондонмаҳсулотлари” АЖ раиси
6.	Б.Сотволдиев	“Боғдоддонмаҳсулотлари” АЖ раиси
7.	Б.Холматов	“Қувадонмаҳсулотлари” АЖ раиси



